МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ

[1]Холов Азимжон Хикматилло Ўғли, [2]Исантурдиев Сайфиддин Юсуфбоевич
[1,2]Сирдарё вилояти олий таълим, фан ва инновация бошқармаси
[1]+99899 476-98-68, [2]+99897 020-08-87
[1]Azimjon.kholov@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.10829575

Аннотация. *Ривожланишнинг инновацион типи тараққиётнинг ҳозирги босқичида муқобил йўл сифатида "Илмий асосга эга бўлган иқтисодиётга" ўтишини, инновацион фаолият жараёнида инновацияларнинг замонавий ҳолати ва хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва зиддиятларни аниқлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепциясининг самарали амал қилишини таъминлаш, ижтимоий қадриятлар трансформациялари асосида иқтисодий тараққиётнинг замонавий тенденцияларини баҳолаш ва аҳоли фаровонлигини баҳолашнинг сифат кўрсаткичларига ўтилишини тақозо этмоқда.*

Калит сўзлар: *Ривожланишнинг инновацион типи, инновацион модель, минтақавий инновация модели, инновацион ривожланиш, ривожланишнинг инновацион типи.*

Аннотация. *На современном этапе развития инновационный тип развития переходит к «Научно-обоснованной экономике» как альтернативному способу в процессе инновационной деятельности определять современное состояние и особенности инноваций, существующие проблемы и противоречия, обеспечивать эффективная реализация концепции социально ориентированной рыночной экономики, обеспечение современного экономического развития, основанного на трансформации социальных ценностей, требует перехода к качественным показателям оценки тенденций и оценки благосостояния населения.*

Ключевые слова: *Инновационный тип развития, инновационная модель, региональная инновационная модель, инновационное развитие, инновационный тип развития.*

Abstract. *At the present stage of development, the innovative type of development is moving to "Science-Based Economics" as an alternative way in the process of innovation to determine the current state and features of innovation, existing problems and contradictions, to ensure the effective implementation of the concept of a socially oriented market economy, to ensure modern economic development based on transformation of social values requires a transition to qualitative indicators for assessing trends and assessing the well-being of the population.*

Keywords*: Innovative type of development, innovation model, regional innovation model, innovative development, innovative type of development.*

Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиётини ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси учун долзарб масаладир. Сабаби Янги Ўзбекистон Халқаро Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ҳаракат қилар экан, бугунги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири бу ҳудудларнинг иқтисодий ўсиши, иқтисодий ривожланиш учун шароит яратишдир. Энг аввал Республика иқтисодиётини инновацион ривожланиш орқали жаҳон иқтисодиётига интеграцияси қилиш асосий шартидир.

Бу вазифага эришиш учун инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини қайта қуриш имконини берувчи механизмни ишлаб чиқиш зарур. Билим иқтисодиётига ўтиш мамлакатда ва шунга мос равишда ҳудудларда янги билимларни миллий ёки жаҳон бозорларида ўзининг ҳақиқий

истеъмолчиларини топадиган янги технологиялар, маҳсулот ва хизматларга самарали айлантирувчи яхлит тизимни шакллантиришни тақозо этади. Ҳудудлар мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишига туртки бериши керак.

Адабиётларда инновацион моделга кўплаб таърифлар берилган. Инновацион модел - бу инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий шакли, инновацион ечимларни излаш, шунингдек, ушбу фаолиятни рағбатлантириш ва тартибга солиш дастакдир. Ўрганилаётган муаммолар контекстида умуман инновацион модел ҳақида эмас, балки иқтисодий инновацияларни такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатдан маҳаллийлаштирилган махсус усули, интеграция шакли сифатида “минтақавий инновация модели” ҳақида тавсиялар келтирилади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шароитлари, минтақавий (мезоиқтисодий) муҳит билан тавсифланган маълум даражадаги макроиқтисодий инновацион цикллар ва инновациялар динамикасидир.

Минтақавий инновацион моделнинг ўзига хослиги минтақанинг бир қатор иҳтисослашувига қараб драйверларини аниқлаб, кучли томонларини ривожлантириш орқали бошқа соҳаларни ривожлантириш имконияти белгиланади.

Инновацион ривожланиш мамлакат халқаро рақобатбардошлиги омили сифатида инновацион салоҳият ва унинг рақобат асосида ривожланишга таъсирига баҳо бериш, ишлаб чиқариш омиллари учун шароитлар яратиш, глобал рақобатда инновацион бизнеснинг ролини ошириш биринчи даражали вазифалардир. Бунга эришиш учун давлатнинг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг механизмлари ва дастакларини аниқлаш, инновацион кооперациясини рағбатлантириш, инновацион моделни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига (микро- макро-, мезо даражада) эътибор қаратиш, интеллетуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва инновацион жараёнларни бошқариш механизмини яратиш долзарб ҳисобланади [1].

Инновацион иқтисодиётда асосий эътибор юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, илм талаб технологиялар ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этиш, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантириш, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга XX асрнинг 70-йилларида кириб келди. К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда, тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (қадриятлар, меъёрлар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади [2].

Ривожланишнинг инновацион типида, асосий ишлаб чиқариш омили бўлган меҳнатни илм билан ўзаро уйғунлашуви, техник маҳоратнинг интеллектуал маҳоратга ўсиб бориши ва бу жамиятнинг иқтисодий асосини белгилаб беради. Бундай жамиятни тасвирлашда илмий адабиётларда “информацион жамият”, “илмлар жамияти” “информацион иқтисодиёт”, “интеллектуал иқтисодиёт” каби иборалардан фойдаланилади.

Умуман олганда, маҳаллий ҳокимият органлари ҳудудий инновацион салоҳият даражасини оширишдан ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини фаоллаштиришдан манфаатдордир. Чунки инновациялардан фойдаланиш натижасида

рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилади, тадбиркорлик субъекти томонидан юқори даромад олади. Бу ҳудудлараро ва халқаро бозорларда минтақанинг рақобатбардошлигини оширади.

Минтақавий инновацион сиёсатнинг мақсади минтақа иқтисодиётини барқарорлаштириш ва юксалтириш, илмий-техникавий салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш ҳамда инновациялар учун қулай шароитлар яратиш орқали бюджет маблағларини самарали ижро этиш ва ундан оқилона фойдаланиш шароитларига эришишдан иборат.

Россиялик тадқиқотчи Т.В. Хогоева минтақавий инновацон сиёсатни амалга оширишда 8 та операцион ва стратегик режалаштириш вазифаларини келтириб ўтган [3]:

✓ Ҳудудда рақобатбардош янги маҳсулотлар яратиш ва маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасида яхшилаш мақсадида инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва бунинг натижасида саноат корхоналари, агросаноат мажмуаси, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари учун ташқи ва ички бозорни кенгайтириш лозим;

✓ ҳудудий иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуришни амалга оширишда ҳамда соҳада илм-фан ютуқларидан максимал даражада фойдаланиш;

✓ ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий илмий-техникавий ва инновацион дастурлар ва лойиҳаларни шакллантириш;

✓ ҳудуддаги илмий ташкилотлар томонидан яратилаётган илмий-техникавий ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш тизимини жорий этиш;

✓ ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммолардан келиб чиқиб, илмий, илмий-техникавий ва инновацион маҳсулотларга буюртмаларни амалга ошириш;

✓ илмий-техникавий ва инновацион дастурлар ва минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳамда бюджетдан ташқари манбалардан инвестицияларни жалб қилиш;

✓ ихтирочилик фаолиятини рағбатлантириш, маҳсулот ва технологияларнинг патент муҳофазаси даражасини ошириш, минтақанинг патент бозорини уларга хорижий патентларнинг кириб келишидан ҳимоя қилиш;

✓ барча даражадаги бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар натижаларининг миллий устуворлигини ҳимоя қилишга кўмаклашиш ва саноат мулки муаллифлари ва патент эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

✓ инновацион фаолият учун бизнес-режани ишлаб чиқидан иборат.

Юқорорида келтириб ўтилган минтақавий инновацон сиёсатни амалга оширишдаги вазифалардан келиб чиқиб, шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, ҳудуддаги илмий ташкилотлар билан маҳаллий тадбикорлик субъектларини доимий алоқаларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, илмий даргоҳларда яратилган янги ишланма ва илмий янгиликлардан ҳабардор бўлади.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятда юзага келаётган (бошқарувда, инсон капиталида, ишлаб чиқариш жараёнида ва ҳ.к.) муаммоларга илмий-амалий, инновацион ечим топади.

Албатта ҳар бир минтақанинг ўзининг табиий, географик ҳамда этник жойлашуви асосида инновацион моделларини ишлаб чиқилади. Шу сабабдан, бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши, драйвер соҳаси, бошқа ҳудудга мос келмайди.

Мисол тариқасида, Сирдарё вилоятнинг драйвер соҳаси асосан қишлоқ хўжалиги ҳисобланса, Навоий вилоятини тоғ-кон саноати, Самарқанд вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг драйвер соҳаси ҳизмат кўрсатиш ва саноат ҳисобланади. Шундан, келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, минтақавий инновацон сиёсатни амалга оширишда ҳудуднинг иҳтисослашувига мос тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Рус олими С.Б.Перцев томонидан ўрганишлари натижасида минтақавий инновацион моделнинг энг муҳим функциялари деб қуйидагилар ҳисобланади[4]:

1) молиявий ва инвестиция ресурсларни ҳудудий иқтисодиётнинг инновацион сектори (инновацион ривожланиш нуқтаи назаридан устувор тармоқлар ва драйвер соҳалар) фойдасига қайта тақсимлаш;

2) минтақада тегишли инфратузилма тизимига эга инновацион хизматлар бозорини шакллантириш;

3) тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи инновацияларга йўналтирилган рақобат муҳитини шакллантириш;

4) давлат томонидан ҳудуддаги ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўшилган қиймат яратиш тизимини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб-чиқаришда инновацион компонентни тартибга солишни таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган функциялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳудудларда мавжуд иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида 2020 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони имзоланди [5]. Мазкур фармон билан Республикада илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши билан бир қаторда, ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш каби вазифалар ҳам келтириб ўтилган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, минтақавий иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели яратишда энг аввало бошқарув органи бўлмиш, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари асосий таянч нуқта ҳисобланади. Албатта, инновацион муҳитни шакллантириш инновацион иқтисодий ривожланишга ўтишнинг асосий шартларидан биридир. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари минтақанинг инновацион салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишлари, инновацион соҳада давлат ва муниципал органларнинг функцияларини белгилашлари, инновацион фаолиятни тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқишлари керак. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий механизми бевосита ёки билвосита манфаатдор барча тузилмаларнинг фикрлари ҳисобга олинишини таъминлаши ва шу билан бирга инновацияларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни келишилган ҳолда қабул қилиш учун шароит яратиши керак. Ҳудудларни инновацион ривожлантиришнинг асосий шарти – ҳудуд иқтисодиётини фаолиятнинг барча йўналишларида барқарор ривожлантириш лозим.

Юқоридаги тартибга солиш воситаларининг амалга оширилиши ҳудудларнинг инновацион ривожланишининг мақбул суръатларини таъминлайди, бу эса ўз навбатида минтақавий иқтисодий тизимнинг ҳам, умуман бутун миллий иқтисодий тизимнинг ишлаш самарадорлигини оширади.

Бу ҳукумат томонидан минтақанинг тараққиёт стратегиясини яратишда, келажакда қайси соҳаларини ривожлантириш кераклиги ва у эртага қандай натижа беришини англашга имконини беради.

Минтақавий иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделини шакллантириш мақсадида қуйидаги бир қанча жиҳатларни ҳисобга олиш керак. 1. Ҳудуднинг мавжуд драйвери ҳамда иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш; 2. Эркин бозор тамойилига асосан иқтисодий соғлом рақобат муҳитини яратиш; 3. Маҳаллий бюджетни ҳудудринг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш учун тўғри тақсимлаш керак; 5. минтақавий ривожланишнинг асосий омил сифатида инсон ресурсларидан фойдаланиш керак; 6. минтақавий иқтисодий ривожланиш муваффақиятини таъминловчи инфратузилмаларни ривожлантириш керак.

REFERENCES

1. Атоян В. Р. Инновационный комплекс региона: проблемы становления и развития / В. Р. Атоян, Г. И. Жиц. – Саратов: Сарат. гос. техн. ун-т, 2006. – 195 с.
2. Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. p 57
3. Т.В. Хогоева. ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНА, Жкрнал «Экономика и бизнес» 12/8. 2013. 197 с.
4. Перцев С. Б. Инновационная модель регионального экономического развития.Международная научно-практическая Интернет-конференция «ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ НОВОЙ ЭКОНОМИКИ XXI ВЕКА» (19–20 декабря 2013 года)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони https://lex.uz/uz/docs/-5073447